



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI HUZURIDAGI
FUQARO AVIATSIYASI AGENTLIGI

BUYRUQ

2021 -yil “23” 11

128 -son

**Havo kemalaridan texnik va uchish
maqsadida foydalanish hujjatlarini
tasdiqlash tartibi to‘g‘risidagi
yo‘riqnomani tasdiqlash haqida**

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 19 apreldagi 337-son “O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi huzuridagi Fuqaro aviatsiyasi agentligi, Temir yo‘llarda yuk va yo‘lovchilar tashish xavfsizligini nazorat qilish inspeksiyasi va Yo‘l-qurilish ishlari sifatini nazorat qilish inspeksiyasi faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida” qaroriga asosan

бюроман:

1. Havo kemalaridan texnik va uchish maqsadida foydalanish hujjatlarini tasdiqlash tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnoma ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. “O‘zaviatsiya” agentligi bo‘limi boshliqlar va mutaxassislar ushbu normativ-huquqiy hujjatni o‘rganib chiqsin va o‘z faoliyatida amal qilsin.
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bo‘limi boshlig‘i ushbu normativ-huquqiy hujjatni “O‘zaviatsiya” agentligining rasmiy veb – saytida nashr etilishini ta‘minlasin.
4. Kanselyariya ushbu normativ-huquqiy hujjatni barcha manfaatdor tashkilotlarga yuborsin.
5. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.
6. Buyruq ijrosi ustidan nazorat Direktor o‘rinbosari O.N.Lim zimmasiga yuklatilsin.

Direktor v.b.

T.Uljayev

**Ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш
ҳужжатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ ишлаб чиқилган ва фуқаро авиация субъектини ёки объектини сертификатлаш учун ариза билан мурожаат қилгунга қадар ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатларини тасдиқлаш (келишиш) тартибини белгилайди.

2. Мазкур Йўриқнома фуқаро авиация ташкилотларининг қўйидаги ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатларга тегишлидир:

- Парвозларни амалга ошириш бўйича қўлланма;
- Хизмат кўрсатишни тартибга солиш бўйича эксплуатант қўлланмаси;
- Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилот фаолияти бўйича қўлланма;
- Парвозлар хавфсизлигини бошқариш тизими бўйича қўлланма;
- Ҳаво кемаларидан фойдаланиш бўйича қўлланма (FCOM);
- Ҳаво кемаларининг массасини ва центровкасини тартибга солиш бўйича қўлланма;
- Ҳаво кемаларига ерда хизмат кўрсатиш бўйича қўлланма;
- Хавфли юкларни ташиш тартиблари ва ўқитиш бўйича қўлланма;
- Ҳаво кемаларидан парвозда фойдаланиш бўйича қўлланма (AFM);
- Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш дастури;
- Экипаж аъзоларини ер усти ва парвоздаги тайёрлаш дастури;
- Ҳаво кемаларининг минимал ускуналар рўйхати;
- Авиация хавфсизлигини таъминлаш дастури;
- Парвозлар маълумотларини таҳлил қилиш дастури;
- EDTO (ETOPS) бўйича қўлланма;
- EDTO (ETOPS) бўйича ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш қўлланмаси;
- RVSM бўйича қўлланма;
- RVSM бўйича ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш қўлланмаси;
- QRH амалий қўлланмаси;
- “Cabin attendant operating manual” қўлланма;

Борткузатувчилари учун ҳаво кемаларининг бортга хизмат кўрсатиш бўйича қўлланма;

Standard operating procedure;

EFBдан фойдаланиш бўйича қўлланма;

Ҳаво кемалари борткузатувчиларининг билимларини назорат қилиш учун тест саволлари;

Эксплуатантнинг ишончлик даражасини назорат қилиш дастури;

Сифат бўйича қўлланма.

3. Мазкур Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

аризачи – “Ўзавиация” агентлигига ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатларини тасдиқлаш (келишиш) тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжат – авиация техникасидан (маҳсулотидан) фойдаланиш жараёнида учишга оид фойдаланишни, техник хизмат кўрсатишни, учишга яроқлилигини сақлашни тартибга солувчи, фойдаланиш чекловларни ва тавсифни ўз ичига олган, аризачи томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат.

4. Ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатларни тасдиқлаш (келишиш) мазкур Йўриқнома 1-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

5. Ариза билан бирга тасдиқланган (келишилган) ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатнинг нусхаси, ҳамда расмийлаштирилган материаллар “Ўзавиация” агентлигида сақланади. Ҳужжатларни электрон шаклда сақлашга йўл қўйилади.

6. Тасдиқланган (келишилган) ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатнинг ўзгартириш ва қўшимчаларини тасдиқлаш (келишиш) ҳужжатни дастлабки тасдиқлаш билан бир хил тартибда амалга оширилади.

2-боб. Ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатларини тасдиқлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар

7. Аризачи ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатларни тасдиқлаш (келишиш) учун “Ўзавиация” агентлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) мазкур Йўриқнома 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича ариза;

б) электрон ёки қоғоз шаклидаги ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжат;

в) ҳаво кемасини ишлаб чиқарувчи ҳужжат(лар), агар ушбу ҳужжат(лар) асосида ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжат ишлаб чиқилган ёхуд ўнга ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилган бўлса.

8. Аризачи тақдим этилган ҳаво кемасини ишлаб чиқарувчи ҳужжатлари ва ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатларда

баён этилган маълумотлари тўғрилиги учун жавобгардир.

9. Ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатларни тасдиқлаш (келишиш) учун зарур бўлган ҳужжатлар аризачи томонидан “Ўзавиация” агентлигига бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади.

10. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар аризачининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

3-боб. Аризани кўриб чиқиш ва қарорни қабул қилиш

11. Аризани кўриб чиқиш ва ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатни тасдиқлаш (келишиш) ёки уни тасдиқлашни (келишишни) рад этиш тўғрисида қарорни қабул қилиш “Ўзавиация” агентлигининг кўриб чиқиладиган ҳужжатнинг тоифаси ваколатига кирадиган тегишли бўлим томонидан амалга оширилади.

Зарур бўлган тақдирда, ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатни экспертизадан ўтказиш учун бошқа бўлимларнинг мутахассисларни жалб этиш мумкин, уларнинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича.

12. “Ўзавиация” агентлиги томонидан ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатни тасдиқлаш (келишиш) тўғрисидаги аризани кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

13. “Ўзавиация” агентлиги ҳужжатларни қабул қилган кундан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмайдиган муддатда аризани кўриб чиқади, ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатни тасдиқлаш (келишиш) ёки уни тасдиқлашни (келишишни) рад этиш тўғрисида қарорни қабул қилади.

14. Аризани кўриб чиқиш жараёнида тақдим этилган ҳужжат белгиланган талабларга мувофиқлиги бўйича экспертиза ўтказилади. Ҳужжатнинг тузилиши ва мазмуни Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) халқаро стандартлари ва тавсия этилган амалиёт талабларига, шунингдек, ҳаво кемани ишлаб чиқарувчининг Авиация маъмурияти, ҳаво кемани рўйхатга олган Авиация маъмурияти ва ҳаво кемани ишлаб чиқарувчи талабларига мувофиқ бўлиши керак.

15. Мазкур Йўриқноманинг 14-бандида назарда тутилган ҳаракатлар натижаларига кўра, “Ўзавиация” агентлигининг кўриб чиқиладиган ҳужжатнинг тоифаси ваколатига кирадиган мутахассиси ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатни тасдиқлаш (келишиш) ёки уни тасдиқлашни (келишишни) рад этиш имконияти тўғрисидаги хулосани мазкур Йўриқнома 3-иловасига мувофиқ расмийлаштиради.

16. “Ўзавиация” агентлиги тегишли қарорни қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай аризачига тасдиқланган (келишилган) ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатни беради

ёки уни тасдиқлаш (келишиш) рад этилганлиги ҳақида ёзма шаклда хабардор қилади.

17. Аризачига қуйидаги ҳолларда ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатни тасдиқлаш (келишиш) рад этилиши мумкин:

тақдим этилган ҳужжатни экспертизадан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг аризачи томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки ишончсиз маълумотлар мавжудлиги;

мазкур Ўйриқноманинг 14-банди талабларига мувофиқ эмаслиги;

рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этмасдан ёки рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин ҳужжатлар такроран тақдим этилганлиги;

асослантирилган салбий хулоса мавжудлиги.

18. Ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатни тасдиқлашни (келишишни) рад этиш тўғрисида қарорни қабул қилганда аризачига рад этиш сабаблари ва аризачи мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома юборилади (топширилади). Аризачи рад этиш сабабларини бартараф этишга ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат рад этилганлиги ҳақидаги ёзма хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

19. Аризачи ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатни тасдиқлаш (келишиш) рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси олинган кундан эътиборан беш иш кунидан ошмайдиган муддатда “Ўзавиация” агентлиги томонидан амалга оширилади. Аризани такроран кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

20. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда “Ўзавиация” агентлиги томонидан аризачига илгари ёзма шаклда баён қилинмаган рад этиш сабабларини келтиришга йўл қўйилмайди.

21. Рад этилганлиги ҳақидаги ёзма хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан кейин берилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва “Ўзавиация” агентлиги томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

22. Аризачи ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатни тасдиқлаш (келишиш) рад этилганлиги, шунингдек “Ўзавиация” агентлиги мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳаво кемаларидан техник ва учиш
мақсадида фойдаланиш ҳужжатларини
тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага
1-илова

**Ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатларни
тасдиқлаш (келишиш)**

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Аризачи	<p>Белгиланган талабларига мувофиқ тасдиқлаш (келишиш) учун зарур бўлган ҳужжатларни ишлаб чиқади.</p> <p>Ҳужжатларни “Ўзавиация” агентлигига бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади.</p>	Аризачининг ихтиёрига қўра.
2-босқич	“Ўзавиация” агентлиги	<p>1. Аризани қўриб чиқади ва тақдим этилган ҳужжат белгиланган талабларга мувофиқлиги бўйича экспертизани ўтказиши.</p> <p>2. Аризачига тасдиқланган (келишилган) ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатни беради ёки уни тасдиқлаш (келишиш) рад этилганлиги ҳақида ёзма шаклда хабардор қилади.</p>	<p>1. Ҳужжатларни қабул қилган кундан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмайдиган муддатда.</p> <p>2. Тегишли қарорни қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай.</p>
3-босқич	“Ўзавиация” агентлиги	Аризачи рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, ҳужжатларни такроран қўриб чиқиш амалга оширилади.	Рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси олинган кундан эътиборан беш иш кунидан ошмайдиган муддатда.

Ҳаво кемаларидан техник ва учиш
мақсадида фойдаланиш ҳужжатларини
тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага
2-илова

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги ҳузуридаги
Фуқаро авиацияси агентлиги
директорига

_____ (Ф.И.Ш.)

АРИЗА

_____ дан
(юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шарифи)

_____ га мувофиқ ишлаб чиқилган
(норматив ҳужжатнинг номи)

_____ ни тасдиқлашни (келишишни) сўрайман
(ҳужжат номи)

Ариза бериш сабаби: _____

Аризачи тўғрисида маълумот:

юридик шахслар учун:

1. Ташкилотнинг тўлиқ номи ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатиб: _____
2. Жойлашган жойи (почта индекси) _____
3. Телефон рақами/ факс рақами _____

жисмоний шахслар учун:

1. Фамилияси, исми, шарифи _____
2. Фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тўғрисида маълумот _____
3. Турар жойи, адреси _____
4. Телефон рақами/ факс рақами _____
5. СТИР _____

Аризага иловалар: _____

Аризачи _____ (лавозими) _____ (имзо, Ф.И.Ш.)

20 ____ й. “ ____ ” _____

Ҳаво кемаларидан техник ва учиш
мақсадида фойдаланиш ҳужжатларини
тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага
3-илова

Ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатни тасдиқлаш
(келишиш) ёки уни тасдиқлашни (келишишни) рад этиш имконияти тўғрисидаги

ХУЛОСА

(ҳужжат номи)

1. Асос: _____

2. Ўтказилган иш натижалари: _____

3. Хулоса: _____

4. Тавсиялар (зарур бўлганда): _____

“Ўзавиация” агентлиги мутахссиси _____
(Ф.И.Ш, имзоси)

“Ўзавиация” агентлиги
бўлим бошлиғи _____
(Ф.И.Ш, имзоси)